



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ДАЛА-ЎҚУВ ЙИГИНИДА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Шарқий ҳарбий округи кўшинлари дала-ўқув майдонида 10 кун мобайнида жиноят ва ҳуқуқбузарликларга мойиллиги бўлган, қилиб-билмай боши берк кўчага кириб қолган, тарбияси оғир ва ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи 100 нафар ёшлар иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғини ўтказилди.

"Армия – ватанпарварлик ва жасорат мактаби!" деб номланган йиғин келажак авлодларини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига қизиқтириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида ҳамда она юртга садоқатли этиб тарбиялаш, шунингдек, ёшларнинг қизиқишига қараб касб-хунар ва тадбиркорлик соҳасига ўқитиш каби мақсадларни қамраб олди.

Фарғона вилояти ҳоқими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров Шарқий ҳарбий округи кўшинлари кўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов ҳамроҳлигида ҳарбий қисмларда Ватан посбонлари учун яратилган шароитлар, олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мобайнида ҳарбий-ўқув йиғинида иштирок этаётган ёшлар билан учрашди.

Очик ва самимий мулоқот чоғида Хайрулло Бозоров Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли


Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ихчам ва қудратли армияни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ва оилаларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб ўтди. Ватан посбони бўлиш ҳар бир йигит кишига муқаддас бурч эканлигини таъкидлаган вилоят ҳоқими ёшларни мард ва жасур бўлишга, қайси касбни эгаллашларидан қатъи назар, эл-юрт ишига ҳаминша камарбаста бўлишга чақирди.

Учрашувда вилоятимиз ёшлари ўзларини қизиқтирган саволлар билан вилоят ҳоқими ва Шарқий ҳарбий округи кўшинлари кўмондонига мурожаат қилишди. Ҳарбий-ўқув йиғини фаол иштирокчилари Ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

(Вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).

Дунё мўъжизалари деганда, бизга маънан яқин бўлган Аградаги "Тож маҳал"ни тилга оламиз. Албатта, Хитой девори ҳам ёдга тушади. Кейин Иорданиядаги қуриб қолган денгиз остидаги бундан 10 минг йил аввал бунёд этилган Петро шаҳри ҳақида гапираемиз. Шунингдек, Латин Америкасидаги шаршаралар кўз олдимизга келади. Булар ҳаммаси тарих. Аммо Янги Ўзбекистонда дунё эътироф этишига муносиб мўъжиза яратилди. Бу – Сўхдаги Жавпоя мўъжизасидир.

СЎХ: ЖАВПОЯ МЎЪЖИЗАСИ



Жавпоя – Сўхнинг жанубидаги тоғ ва тоғ этакларидаги қир-адирлар. Айтишларича, қачонлардир ўтмишда бу ерларга лалми арпа сепиб, ёмғир сувида ундирганлар ва чорва боқшган.

Орадан жуда кўп, балки юз йилликлар ўтгандир. Шундан кейин қадимий Жавпояга Янги Ўзбекистон шамоли келди.

– Вилоятдан 80 тадан ортик серунум техника келди. Бу ерларни текислаб, хайдашди. Тошлари терилди ва қўриб турганингиздек, боғ пайдо бўлди, – дейди Жавпоя лойиҳаси жонқуярларидан бири Юсуфжон Усмонов.

Инсон иродаси балки энг кучли қуролдан ҳам қудратлидир. Сўхнинг энг катта муаммоси – аҳоли

зичлиги ва текис ернинг етишмаслиги эди. Инсон ирод қилди ва тоғлар орасидаги баландиклардан кесиб олиб, боғлар яратулик майдонлар ташкил қилинди. Ер унумдор, чунки ёмғирда унган ўт-ўланлар, гиёҳлар қуёш нури тиғида қуриб тупроққа қорилган ва унга қувват бахш этган. Фақат сув, сув керак эди бу асрий биёбонларга.

– Дарё сатҳидан 1350 метр баландикда 210 гектар боғ қилинган. Ҳаммаси ўрикзор. Сўх дарёсидан 5 километр қувур тортилиб, сув баландикка олиб чиқилган, – дейди Юсуфжон Усмонов.

Денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр юқорида, айтиш мумкинки, мўъжаз сунъий қўл барпо этилди. Унга 30 минг метр кубдан зиёд сув сиғади. Мутахассислар 210 гектар паст-баланд майдондаги ҳар бир кўчат тағига томчилатиб сўғориш тизимини етказишди.

– Томчилатиб сўғоришни биз ўзимиз жорий қилдик. Кўчатларни бошқа вилоятлардан олиб келиб экиб бердик, – дейди "Сўх келажиги бунёдкори" кооперацияси раҳбари Полвонжон Обидов. – Ўрикдан ташқари, кўчатларнинг остига тарвуз, ошқоқов, ловия, бошқа дуккакли ўсимликлар экилди.

Улуғлар "Эзгу ният ва хайрли дуо ҳосиятли бўлади", дейишади. Жавпояда эзгу ният қилиб, дуо билан ер ўзлаштирилди, кўчат экилди, сув келтирилди. Бир йил, атиги бир йил ўтиб, 1350 метр

баландикда, ҳайбатли тоғларни лол қолдириб, унинг бағрида кўркам боғ пайдо бўлди.

– Олди кўчатлар мевага кирди. Бизнинг Сўхимизда иккинчи Сўх пайдо бўлди, Худо берди. Бу ерлар Президентимиз шарофати билан обод бўлиб кетди, – дейди Юсуфжон Усмонов. – Су-вимиз яхши, камчилигимиз йўқ. Яна 400 гектар ерга кўчат экмочимиз. Мевасини экспортга чиқарадиган замонавий боғ яратилади.

Бугун Жавпояни ҳар бир сўхлик билади, улар "Шу жойда яна янги ерлар очилармикан?" дея саволга туттади. Сабаби, масалан, биргина 2880 нафар аҳоли яшайдиган Қалъачада ишсиз деган мақомдаги ёшлар қолмади.

– Жавпоя массиви ўзлаштирилганидан кейин бизнинг маҳалламиздан 180 нафар ишсиз аёл ва ёшларга 50 сотихдан боғ берилиб, уларнинг бандлиги таъминланди, – дейди "Қалъача" маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Сайрам Турғуналиева.

Ҳаво ҳарорати анча паст, кўчат эса ёш бўлишига қарамай, шохларда бўлиқ мева нишониси кўринди. Жавпоя боғларидаги "субхони ўрик" гўралари эрта-индин ранг олади, ширага тўла мазага қиради. Хўш, энди айтинг-чи, Янги Ўзбекистоннинг янги боғлари дунёнинг қайси мўъжизасидан кам?

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

РАДАР ҲОЛАТНИ ТЎҒРИ ҚАЙД ЭТДИМИ, НИМА ДЕБ УЙЛАЙСИЗ?



Йўлларда кўнгилсиз ҳодисалар сонини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлардан бири жарима тизимини қўллашдир. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ҳайдовчи ва пиёдаларни йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга ундаш ва уларни ноқонуний хатти-ҳаракатлардан тийиш экани сир эмас.



2021 йилнинг баҳоридан бошлаб мамлакатимиз тадбиркорлари йўллардаги қоидабузарликларни фото ва видеога ёзиб олиш учун жойларга камера ва радарлар ўрнатиш имкониятига эга бўлишди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2023 йил 3 апрелдаги "Йўл ҳаракати қоидаларига автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қарори асосида вилоятлар марказларида автомобилларнинг ҳаракат тезлиги 60 километргача белгилаб қўйилган. Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги "Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низомга қўра, кўчма фоторадар ва мобил комплексларни қўллаш жойи ва вақти давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати саф бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади, – дейди ви-

лоят ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ахборот технологиялари гуруҳи мутахассиси, капитан Зайлобжон Шерматов. – Айтиш пайтда вилоятимизнинг авария ҳолатлари кўп бўлиши мумкин бўлган ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазилиги Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда "Atlas international UzDE" маъсулияти чекланган жамияти томонидан жойларда 16 та мультирадар комплекслари, 6 та патруль мигалкалари ўрнатилиб, камера билан жиҳозланган. Бу қурилмалар тезлик, қарама-қарши тўхташ ва тўхтаб туриш, светофорнинг тақикловчи чирогига ва тўхташ чизигига амал қилмаслик, пиёдаларга йўл бермаслик, ҳаракатни ажратувчи бир сидирғали ва икки сидирғали чизикларга буйсунмаслик, белгиланмаган жойдан қайрилиб олиш, қидирувда бўлган автотранспорт воситаларини аниқлаш каби қоидабузарликларни қайд этади.

Таъкидланишича, вилоят бўйича Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида, Бағдод, Бувайда, Ёзёвон, Фарғона, Учкўприк, Тошлоқ туман-

ларида тадбиркорлик субъектлари томонидан 28 та қоидабузарликларни аниқловчи қурилмалар ўрнатирилган. Улар қайд этган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилади. Шу тарихда автомашина эгалари телефон рақамига ёки яшаш хонадонига қоидабузарлик баёни ва жарима қарори келиб тушади. Бироқ, бундай ҳолатларга айрим ҳайдовчилар эътироз билдираётгани, баъзи радарларнинг нотўғри ишлайётгани борасида шикоятларнинг кўпайётгани ҳам бор гап.

Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлимига кунига кўплаб фуқаролар қоидабузарлик нотўғри қайд этилганидан норози бўлиб ёки тўлов имконияти йўқлигини рўқач қилиб мурожаат этишади. Маъсул ходимлар шикоятларни тинглаш борабора, содир этилган қоидабузарликни меъёрий ҳужжатлар билан асослаб берадилар.

Фармон ва шарҳ

“МАЖБУРИЯТЛАР РЕЕСТРИ” ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, фуқаролар, жағият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизimini такомиллаштириш орқали одил судлов самардорлигини таъминлаш мақсадида 2024 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизimini ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган.

Фармонда суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек, фуқароларнинг минимал турмуш даражасини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва янада такомиллаштириш назарда тутилган.

2024 йил 1 майдан бошлаб, суд ҳужжатлари асосида ижро ҳужжатларини электрон шаклда бериш тартиби жорий этилди. Бунда, иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари фақат электрон шаклда тақдим этилади (Ўзбекистон Республикасида ташқарида ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари бундан мустасно).

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ва маъмурий суднинг ҳужжатлари асосида бериладиган ижро ҳужжатлари, қоида тариқасида, электрон шаклда, ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикасида ташқарида ижро этилиши лозим бўлган тақдирда ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра эса – суднинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклда тақдим этилиши мумкин.

Фуқаролардан қарздорликларни учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белгиланади. Даромадларнинг кафолатланган энг кам миқдори фуқароларнинг қарздорликлари бўйича пул маблағларини ундиришда қўлланилади ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмига мос келади.

2024 йил 1 декабрдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи “Мажбуриятлар реестри” институти жорий этилади ва у Мажбурий ижро бюроси томонидан

юритилади. Қарздор мол-мулки йўқлиги сабабли ундирув амалга ошириш имконияти бўлмаганда, у ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда реестрга киритилди ва унга нисбатан ижро иши доирасида қўлланилган барча чекловлар сақлаб қолинади. Реестрга киритилган қарздорнинг мол-мулки ва пул маблағлари аниқланганда мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилади.

Қарздор ижро ҳужжати бўйича мажбуриятини бажарганда, у вафот этганда, ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, қарздорнинг 10 йил давомида мол-мулки ёки пул маблағлари ҳақида маълумот аниқланмаганда, қарздор банкрот деб топилганда, ундирувчининг аризасига кўра, у ҳақидаги маълумотлар реестрдан чиқарилади.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизimini жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш бўйича савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устунилик берилди.

Фармон билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизimini янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ

“Фарғона ҳақиқати” газетаси тахририяти халқро мавзуда мунтазам шарҳ ва таҳлилий мақолалар бериб боради. Шундан у халқро журналистик ташкилотлар эътиборига тушган. Шу кунларда Хитойда айнан халқро мавзуларда қалам тебратётган журналистлар учун тажриба алмашув семинари бўлиб ўтмоқда. Унда “Фарғона ҳақиқати” газетасининг икки журналисти иштирок этипти.



– Дунёда рўй бераётган глобал воқеаларни Ўзбекистон манфаатидан келиб чиқиб ҳолис ёритиш хамиша биз учун муҳим бўлиб келди. Хитойнинг Циндао шаҳридаги форумда албатта бу борада дунёнинг турли мамлакатларидан келган ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашамиз, – дейди “Фарғона ҳақиқати”



газетаси тахририяти бўлим мудир Маҳиёра Бойбобоева хизмат сафарига жўнаб кетишдан аввал. – Журналистлар дунё кезиши, кўриши лозим. “Фарғона ҳақиқати” газетаси тахририяти сафар билан боғлиқ барча ташкилий ишларни хал қилди. Ҳатто мукофот пули ҳам олдик. Мақсадимиз – халқро миқёсда



Ўзбек журналистикасини тарғиб этиш, – дейди журналист Муаттар Маҳмудова. Шу йил май ойининг учинчи ўн кунлигида “Фарғона ҳақиқати” газетаси тахририяти ходими Абдужалил Бобоҷонов ҳамда газета бош муҳаррири Рустам Орипов Хитойнинг Гуандон провинциясида бўладиган халқро журналистлар форумига ва яна бир нафар ходим Шинжоннинг Гўлжа шаҳрида ўтқадиган Марказий Осиё ва Хитой оммавий ахборот воситалари ходимлари конференциясида иштирок этадилар.

“БИР БЕЛБОҒ – БИР ЙЎЛ”НИ ҲАМКОРЛИКДА ҚУРИШДА ОАВНИНГ ЎРНИ КЕНГАЙМОҚДА

Хитой Халқ Республикасининг Шаньдун провинциясида ўтқадиган “Бир белбоғ – бир йўл”ни биргаликда қуришда ОАВнинг ўрни мавзусидаги халқро семинар-тренингда иштирок этаётган “Фарғона ҳақиқати” газетаси ижодий ходимлари Муаттар Маҳмудова ва Маҳиёра Бойбобоева анжуманинг дастлабки иш кунлари ҳақида хабар беради.

Шаньдун ташқи савдо касб-хунар коллежида иш бошлаган семинар-тренингда Ўзбекистон, Озарбайжон, Шри-Ланка, Тунис, Нигерия, Малайзия, Жанубий Судан каби дунёнинг 10 дан зиёд давлатларидан таширф буюрган 30 нафарга яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашмоқда. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан коллеж бошқарувчиси Диао Жиандо Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ғояси асосида қадимги Буюк ипак йўлини тиклаш мақсадидаги “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббуси илгари сурилганига 10 йил бўлганини айтиб ўтди. Ушбу ғоя дунёнинг 65 та давлатини қамраб олиши кўзда тутилган бўлиб, унда қуруқлик ва денгиз орқали товарларни Шарқдан Ғарбга етказиш асосий ўрин тутади. “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббуси доирасида янги автомобиль ва темир йўллари, кўприклар ва санаот парк-

лари, бандаргоҳ ва нефть қувурлари қурилади. Бу ташаббус товарлар ва капитал экспортини кўпайтиради, янги ишлаб чиқариш ва иш ўринларини барпо этади. Қайси давлат ушбу ташаббусга қўшилган бўлса, ундан манфаатдор бўлади. Албатта, лойиҳани кенг тарғиб этишда ОАВ ходимларининг ўрни катта. – Бундай семинар-тренинглар еттинчи бор ўтқазилди. Ўтган давр мобайнида ташаббус доирасидаги ахборот ҳамкорлиги 109 та мамлакатнинг 232 та оммавий ахборот воситаларини қамраб олди, – дейди Диао Жиандо. – Тадбирнинг асосий ташкилотчиларидан ҳисобланган мазкур ўқув даргоҳи ОАВ амалиётчилари учун тажриба майдони бўлишида бой тажрибага эга. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўқув юртимизда бугунги анжуман иштирокчиларида журналистлар давлатларидан келиб тахсил олаётган талабалар бор.



Қолаверса, Циндао шаҳрининг иқтисодий ривожланишида медиа соҳаси асосий ўрин тутмоқда. Бу ерда ҳозирда 170 та медиа компаниялари фаолият юритмоқда. Улар шаҳарнинг халқро алоқаларини кенгайтириш баробарида, бизнес учун қўлай муҳитга эга эканлигини ҳамкор давлатлар журналистлари бутун дунёга тарғиб қилишмоқда.

Бу эса, “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббусини ўзро манфаатли ҳамкорлик платформуасига айлантarmoқда. Анжуманда мамлакат тарихи, иқтисодий тараққиёти, халқ урф-одатлари талқин этилган маърузалар ташкил этилди. Иштирокчилар Хитойнинг тарихий ибодатлари, диққатга сазовор жойларида саёҳатда бўлдилар.

1 бет



РАДАР ҲОЛАТНИ ТЎҒРИ ҚАЙД ЭТДИМИ, НИМА ДЕБ УЙЛАЙСИЗ?

– Вилотиимизда ўрнатилган кузатув камераларининг нотўғри ишлаётганлиги аниқланмаган. Ҳар бир мослама Ўзбекистон Республикасида ўлчашларнинг ягона бирлиги бўлишини таъминлаш тизими бўйича Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасиси гувоҳномасига эга, – дейди бўлим бошлиғи, капитан Жасурбек Умаралиев. – Ҳақиқатан ҳам, радарлар фаолиятдан қоникмаганлиги бўйича ҳайдовчиларнинг мурожаатлари бугунги куннинг доллар муаммосига айланган. Ўз ўрнида баъзи ҳайдовчиларнинг хурмача қилиқларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, “ишбилги” фуқаролар автомашина рақамини яшириб олишмоқда. Яъни, 40 давлат рақамини 48 тарзида бўяб олишади. Радар қоидабузарлиқда кўриниб турган рақамларни қайд этади. Бўлимида бунга аниқлик киритилиб, автомашинанинг ҳақиқий рақами ва эгаси қидириб топилди, – дейди бўлим бошлиғи, капитан Жасурбек Умаралиев. – Шу ўринда айтиб ўтмоқчиман, ҳар бир ҳайдовчи жарима қарорни юзасидан шикоят қилишга ҳақли. Шунингдек, ҳуқуқбузарликни содир этганини тан олгани ҳолда,

айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлса, эҳтиёманд, ёлғиз боқувчи ёки кам таъминлангани ҳақида яшаш жойидан маълумотнома қўндириб, қарорни бекор қилиш ёки жарима суммасини камайтиришни сўраб бизга ҳамда судга мурожаат қилиши мумкин.

Бундай амалиёт ҳақида жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси Ҳаётбек Сотволдиев шундай дейди: – Фуқаро Т.Аҳмедов 2024 йилнинг 26 март кунини “Нексия 3” русумли автомашинасида соғлиғи ёмонлашган фарзандини касалхонага олиб кетаётганда қоидабузарликка йўл қўйгани, шу ҳолат бўйича жарима белгиланганини баён этиб, суддан расмийлаштирилган қарорни бекор қилишни сўради. Бошқа ҳолатда Фарғона туманида яшовчи Д. Долимов жиянининг соғлиғи ёмонлашгани сабабли уни ўз автомашинасида шифохонага олиб кетаётганда, йўл ҳаракати қондасини бузган. Бу бўйича жарима белгиланган. Унинг айтишича, биринчи ёрдам зарурлиги юзасидан “тез ёрдам”га қайта-қайта мурожаат қилган. Шифоқорлар келавермагач, автомашинаси тезлигини ошириб, касалхонага

борган. Бу ҳолатни шифо масканидан олинган ҳужжатлар билан асослаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси дахлдор моддаларига асосан, тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек, улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишининг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифасини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда – ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охириги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилди ва маъмурий иш ушбу кодексининг 271-моддасига мувофиқ тугатилди.

Шунга кўра, юқоридаги аризаларнинг мурожаатлари кенг ўрганиб чиқилди, зарурий ҳужжатлар илова қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси дахлдор модда-

қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотлар 48 соат ичида келмаса, ҳайдовчи жавобгарликдан озод бўлади, деган фикрга боришмоқда. Бунга жавоб тариқасида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Унда фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолат муайян қисқа муддат давомида қарор қабул қилинмаган тақдирда, ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармаслиги белгиланмоқда. Яъни, фото ва видеорадарлар ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъмурий амалиёт бўлиналарига тақдим этишининг аниқ муддати белгиланмаганлиги ушбу ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий баҳо беришда тушунмовчилликлар ва сансалорлик келтириб чиқармоқда. Қонун лойиҳаси билан мазкур муаммога ҳуқуқий ечим берилиб, фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни ваколатли мансабдор шахслар тақдим этишининг 48 соатлик аниқ муддати белгиланмоқда. Ушбу муддати бузган ҳолда тақдим этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги

маълумотлар бўйича маъмурий жазо қўлланилмасдан, балки иш юритишни тугатиш тартиби белгиланмоқда. Эндиликда камераларни ўрнатган тадбиркор йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳақидаги маълумотни масъул идораларга (ҳуқуқбузарга эмас) 48 соат ичида юбормаса, мазкур маъмурий иш автоматик равишда тугатилди. Эрта тонгда машина рулини бошқаришга ўтирган инсон борки, яшн ниёт билан остона хатлайди. Куннинг бехатар ўтиши учун эса қатнов йўллари кенг ва раво бўлиши, йўл белгилари талаблар даражасида ўрнатилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Энг асосийси, ҳайдовчидан ҳушёрлик, йўл ҳаракати қондаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Бу унга нафақат хотиржамлик бахш этади, балки рўзгорига фойз-барака олиб киради. Телефон рақамингизга навбатдаги жарима ҳақида хабар келдими? Нима деб ўйлайсиз, фото ва видео-камера қайд этган ҳолат қанчалик тўғри? Ёки сизнинг эътирозингиз асослими? Агар қоида бузганингизга ишоқнингиз комил бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилинг. Аксинча бўлса, жаримани белгиланган муддатда тўлаган маъқул.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

АВТОМАШИНАНИ ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШ ЙИҒИМИ АВВАЛГИ МИҚДОРГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ўтган ой бошида Ўзбекистонда автомобилларни рўйхатдан ўтқазиш ва қайта рўйхатдан ўтқазиш учун тўловлар 68 бараварга оширилган ва бу жамоатчилик орасида норозилик туғдирган. Орадан бир ой ўтиб, бундай тартиб бекор қилинди ва автомобилларни қайта рўйхатдан ўтқазиш учун тўловлар олдинги нархга қайтди. Бу ҳақдаги Ички ишлар вазири Пўлат Бобоҷоновнинг тегишли буйруғи эълон қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, автомобилотransпорт воситалари, электромобиллар, автомобилотransпорт воситалари ва тиркамаларни қайта рўйхатдан ўтқазиш ставкаси эндиликда БҲМнинг 10 фоизини (34 минг сўм) ташкил этади.

Жорий йилнинг апрель ойида ўзгартирилган тартибга кўра, электромобиллар, автомобилотransпорт воситалари ва тиркамаларни қайта рўйхатдан ўтқазиш учун йнгим БҲМнинг 1,5 баравари (510 минг сўм), бошқа автомобиллар учун эса БҲМнинг 6,84 баравари (2 миллион 325 минг сўм) тўланиши керак эди. Ҳ.А.





ДЕПУТАТ ФИКР ЮРИТАДИ

Хаёт зарурияти туфайли бугун аксарият ёш оилаларда ота ҳам, она ҳам меҳнат фаолияти билан банд. Ҳатто, буви ва боболарнинг набиранни қарашдан кўра, ўз юмушлари бисёр. Табиийки, ота-она фарзандларнинг хавфсизлиги ва ўзининг хотиржамлиги учун мактабга таълим ташкилотларига уларни беришга мажбур.

таълим-тарбия бераётган мактабга-ча таълим ташкилотлари жуда кўп. Аммо, шунчаки кун ўтарга болаларни “эплаб ўтирадиганлари” ҳам йўқ эмас. Ҳатто, оилавий боғчаларнинг тиббиёт ҳамширалари билан таъминланмаганига ҳам шохидимиз.

Бугунги кун жажжилари кечаги биз каби содда болалар эмаслигини тан олишимиз керак. Улар “сотовой” телефонда алла эшитиб катта бўлишяпти, чақалоқлигидан бошлаб онаси билан телевизор қаршида

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИНИ КИМГА ИШОНЯПМИЗ?

Бирок, “Эрталаб соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ га қадар – 8 соат мобайнида мактабга-ча таълим ташкилотидеги тарбиячи ва анагалар қарамоғида бўладиган ўғил-қизларимиз ҳақиқатан ҳам ишончли қўллардами?” деган савол тугилади.

Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган маълумотлар ўз-ўзидан бизни хушёрликка чорлайди. Самарқандда боғча тарбиячиси болалар танасига шприц тикқани, Навоий, Бухоро ва Марғилонда мактабга-ча таълим ташкилотлари “опа”ларининг тарбияланувчиларни калтаклагани тасвирланган видео ва шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар кун сайин кўпайиб бораётгани ота-оналарни ташвишга солаётгани бор гап. Уларнинг ҳақли эътирозлари, юқори ташкилотларга ва ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаатлари ҳар биримизни масалага жиддийроқ эътибор билан ёндашишга даъват этади.



билим-тажрибага эгаллиги, болалар тарбиясига лаёқатлигини суриштиришдан кўра, камроқ маошга рози бўлишидан манфаатдор. Ота-оналар учун фарзандини ишониб топшираётган тарбиячиларнинг маънавиятдан кўра, рус ёки инглиз тилини ўргатиши муҳимроқ масалага айланган қолди.

Икки ёшли қизимни боғчага бериш зарур бўлгандаги боис, шаҳардаги мактабга-ча таълим ташкилотлари шарт-шароитлари, таълим-тарбия жараёнлари билан танишиш учун 3-4 тасига бордик. Навбатдаги муассасада фарзандини боғчага ташлаб кетаётган ёш она билан суҳбатлашдик.

– Боғчадаги шароитлар яхшими?
– Ҳа, “воспитатель”лари рус тилида гаплашади. Шунинг учун болам рус тилини ўрганади деб шу ерга берганман. Кунда бир соат шугулланишар экан.

– Қолган вақтда тарбияланувчилар нима билан машғул бўлишади?
– Телевизорни бекорга олиб бердикми, “мультик” кўришади. Барибир уйда ҳам шуда...

– Бу сизни қониқтирадимиз?
– Вой, бўлади... Агар боғчага бир кун чиқшамса, мени жинни қилиб қўйишади булар...
Баъзи саволларимга жавоб қайтариши унга малол келаётгани биланиб турарди. Чунки болонга тез-тез кўз ташлаб қўйяпти. Сездимки, тезроқ гапим тугаса-ю, “ютуб”дан ўзини қизиқтирган видеони томоша қилса...

Тан олиш керак, яхши шароитларни муҳайё қилиб, бугунги кун талаблари асосида ёш авлодга инновацион



сериял томоша қилишяпти. Жим зарур бўлгандаги телефон тутқазиб қўйиляпти. Оқибати вояга етганлари сайин яққол кўзга ташланиб бормоқда. Шўхликларининг, “қахрамонлари”га тақлидининг чегараси йўқ. Биргина “Маша-медведь” мультсериали болажонларнинг руҳиятига шу қадар катта таъсир қилдики, “Томдан ташлаб юбораман” десангиз, гапингизни тугатмай томга қараб чопқиллайдиган болалар бўлиб катта бўлишмоқда. Бугун бу тарзда камолга етаётган ёш авлод билан қандай муносабатга киришимиз, уларга қандай тарбия ва билим бериш масаласи асосий масалага айланган улгурди.

Болалар бизнинг келажгимиз экан, уларнинг тақдирига бефарқ бўлмалик! Мактабга-ча таълим ташкилотлари вақт топиб, фарзандларимиз истеъмоладан қилётган таомларни, берилётган таълим-тарбияни жамоатчилик асосида назорат қилиб туришимиз ҳам ётдан чиқармайлик. Кейинги пушаймон ўзимизга душман бўлмасин!

Бунёд АҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари,
халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати.

ВИЛОЯТДА ПИЛЛА ТЕРИМИ АВЖИДА



Ёзёвон туманидаги Чўли Гулистон қишлоғида пилланинг чилги ҳосилини теришга киришилди. Кечагина Суйдиҳон Раҳмоновлар оиласи 2 қути қурт уруғи боқишга киришган эди. Бугун етиштирилган “қумуш тола”ни кўриб, кўз қувнади.

– Апрель ойида 40 грамм ипак қурти уруғини олганмиз, 4 нафар ўғлим, 4 нафар келиним ҳаммамиз кеча-ю кундуз меҳнат қилдик, – дейди моҳир пиллакор. – Режамиз 120 килограмм эди. Ҳосил мўл бўлганлиги учун режани ортиғи билан бажардик.

Ўзбекистон дунёнинг йирик пилла етиштирувчи давлатларидан биридир. Шунингдек, сўнгги йилларда экспорт таркибидеги пиллани қайта ишлаб олинган ипак ҳажми кескин кўпайди. Тут майдонлари 55 минг гектарга етди. Натижада 2023 йилда 26 минг тонна пилла етиштирилди. Бунда фарғоналик пиллакорларнинг ҳам улуши салмоқли.

Биргина Ёзёвон туманида 2145 қути қурт уруғи 1400 нафар боқувчига тарқатилди. Улар 129 тонна пилла хомашёси олишни режалашганлар. Туманда бу йил илк бор хорижий тажриба кўлланилди.

– Вьетнам усулини қўлладик, плёнка остида пилла



ҳам етарли. Улар Президент Шавкат Мирзиёев ўтказган видеоселекторда тилга олинди. Таъқидландики, ипакдан тайёр маҳсулот улушини, жумладан, пиллани чуқур қайта ишлаб, тайёр ипак маҳсулотлари, мато ва уй текстили ишлаб чиқарадиган қувватларни кўпайтириш зарур.

Ипак қурти озуқаси масаласи ҳам муҳим. Тўғри, жойларда янги тугторлар, тут плантациялари ташкил этиляпти. Лекин бунинг учун бўш ер керак. Йиғилишда давлат раҳбари пахта майдонлари атрофига бир-икки қатордан тут экишни тавсия қилдилар. Ана шундай қилинганда, кўшимча 50-60 минг тонна озуқа захираси шаклланади. Ҳолбуки, бундай тажриба мавжуд. Энди уни фермерлар ва кластер мутасаддилари ривожлантириши лозим.

“Агро пилла” МЧЖ раҳбари Ойшахон Иброҳимованинг айтишича, ҳозиргача туманда 125 гектар тугтор бор эди, баҳорги мавсумда 500 минг туп тут кўчатлари экилди. Муҳтарам Президентимизнинг видеоселекторда берган топшириқларини бажариш мақсадида кунда яна 2 миллион туп тут кўчати тайёрланиб, фермерлар иштирокида дала четларига ўтказилди.

Ёзёвон тумани ҳокими Дилшоджон Жалилов биринчи бўлиб пилла теримида киришган ва юқори ҳосил олган пиллакор Суйди орани муносиб тақдирлади.

Сарвар ОБИД.

Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

“КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД”

мавзусида давра суҳбати

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Uzsungwoo” Ўзбекистон – Корея Республикаси қўшма корхонасида “Коррупция – тараққиётга таҳдид” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида бош директор Ш.Моминжонов ва ходимлари бошқариш бўлими бошлиғи А.Киноян сўзга чиқиб, жамият кушандаси бўлган коррупциянинг ижтимоий ҳаётга, корхона тараққиётига салбий таъсири таъмин қилиб ўтиши. Сўнгра Марғилон шаҳар адлия бўлими бош юрисконсулти И.Абдурахимхожиев слайд орқали мавзу бўйича батафсил маълумот берди.

Айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин курашилмоқда. Бу борада қонунчилик тизими яратилган. 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш кўзда тутилган. Коррупциянинг умумий тушунчаси шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд

ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдан иборатдир. Коррупцияга оид ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини бевоқифа амалга оширувчи давлат органлари ҳисобланади.

Давра суҳбатида комплаенс хизмати бошлиғи Т.Абдуғопиров “Ўзавтосаноат” АЖ тизимида коррупцияга қарши олиб борилаётган амалий ишлар ҳамда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳамда берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом бўйича ахборот бериб ўтди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар қайтарилди.

Юксакликка интилган аёл

Дарҳақиқат, орзулар инсонни кўзлаган манзилига етакловчи нури қанот, уни аниқ мақсадлар сари чорловчи куч, йўлида учраётган турли тўсиқларга ақл-заковат, жасорат билан курашувчи, унга эришмагунча ҳеч нарсадан қайтмайди шижоатдир. Қаҳрамонимиз ҳам бугун барча муваффақият ҳамда ютуқларини, аввало, ота-она дуоси, шунингдек, ўзининг севили, машаққатли меҳнати, интилиши, изланиши ҳамда бахтли оиладаги умр йўлдоши, елкадоши Мусурмонқул ака Қўчқоровнинг доно маслаҳати, ёрдами билан қўлга киритгани, шубҳасиздир.

– Инсон мақсадига шунчаки орзу қилиш ёки кимнингдир кўмаги билан осонликча эришмайди, – дейди Ойгул опа. – Бунинг учун билим олиш, изланиш, ҳаракат талаб этилади. У оддий деҳқон, ўқитувчи ёки шифокорнинг фарзанди бўлмасин, ўзида бирор хунарга, касбага қизиқиш, интилиш бўлмаса, ундан ота-она ҳеч нарсага умид қилмаслиги, бирор касбни эгаллашга мажбур қилиб, сиқувга оламаслиги жоиз. Чунки, инсон келажакка ким, қайси касб эгаси бўлишини болалигидан белгилайди, уни вояга етунига қадар шакллантириб, келажак пойдеворига замин ярати бораверади. Шунданми, мен ҳам болалигимдан ўқитувчи бўлишни мақсад қилганман.

Мулоқотимиз чоғида Ойгул опа Қўчқорова болалик чоғларини мароқ

Болалик. Мурғак жуссали, ғаму ташвишлардан холи подшолик даври, хоҳлаганча ота-онага, яқинларига эркалик қилиб, уларнинг беминнат ҳимоёси остида энг бахтиёр онларни яшагучи умрдр. Ўша дамлардаги қоронғи кечаларда меҳрибон онамиз ёки бувижонимиздан эшитган эртақлар қаҳрамонларнинг биримиз гўзал маликаси, биримиз мард ва жасур шаҳзодаси бўлишни хаёлот оламимизда тасаввур этганмиз, уларнинг ўрнида бўлиб қолишни беғубор қалбимиз билан жуда-жуда истаганмиз. Чунки, эртақлардаги малика ва шаҳзодалар ҳар доим ҳам бахтли-саodatли, тўқис хаёт кечириб, ўз орзулари сари ҳар қандай тўсиқларга қарши курашадилар ва уларга эришадилар ҳам. Ойгул опа Қўчқорова ҳам болалигида худди шуларни орзу қилган бўлса, не жааб.

– 1969 йил 18 мартда Данғара туманидаги Абдусамд қишлоғида туғилганман. Онаминг этагини маҳкам ушлаб, унинг бор меҳр-эътиборини ука-сингилларимдан қизганим юрган жингалак сочли пайтларимни жуда кўп эслайман.

Отам (раҳматли) ички ишлар бўлими ходими, онам совхоз ишчиси бўлган. Биз – фарзандлар тарбияси билан уйимизда кўпроқ онам шугулланар эди. Ўша вақтда уйларнинг томи пастак, гувалакдан қилинган бўлса-да, деярли барчанинг хонадонидеги китоблар тахлами сақланадиган жавонлар бўларди. Онам даладан хориб-чарчаб келсалар-да, бизларга кечки овқатдан кейин ҳар кун китоб ўқиб беришни қанда қилмасди. Китобга муҳаббат, мутулаага қизиқиш ўша пайтларда оиламиз аъзолари қалбидеги кутрак отгани ҳақиқат. Китоб – кишининг маънавияти сарчашмаси, унинг камо-

лотга, билимга элтувчи омил эканлигини умумий ўрта мактабим “Аъло” баҳолаб битарганимда, сўнгра олий ўқув юртига қабул қилинганимда янада яққол англаб етдим, – дейди О.Қўчқорова.

Йиллар – йилларни ортмоқлаб, умрининг ўтиб кетганини ҳам сезмай қолар экан киши. Ойгул опа мана қарийб 34 йилдирки, ўзи таълим олган 11-умумий ўрта таълим мактабидеги касбини ардоқлаб, унга бор меҳрини бериб келмоқда. Жонкуярлик, ташаббускорлик билан ёш авлод таълим-тарбиясидек масъулиятли ишни бажараётган устоз, фидойи аёл ҳозирда раҳбарлик вазифасида хизмат қилмоқда.

34 йил, бу шунчаки қисқа вақт эмас. Бу давр ораллиғида Ойгул опа не-не синовларни ҳаёти чархидан ўтказди, вақти келганда айриликлар азобида қулиб-ёнди. Бироқ, у ҳар қандай синов ва машаққатли кунларда ҳам кас-

бида унум, оилада тотувлик бўлиши учун курашди ва албатта, бунга эришган олди ҳам. 2021 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиғи” эсдалик нишони билан рағбатлантирилгани ҳамда фаолияти давомида вилоят мактабга-ча ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда туман бўлими, туман ҳокимлиги томонидан кўп бор муносиб тақдирланганлиги самарали меҳнатларининг мевасидир.

Аёл – аввало она! Инсоният ўзини таниганидан буён бу сирли ва жиб аёлга нисбатан тавсифлар ҳам ҳар сафар янгиланаверади. Лекин, ҳеч қачон ўзгармайдиган битта илоҳий ҳақиқат бор: Яратган эгам уни “Она” деган юксак мақом билан сийлаган. Бежиз она Ватан, она табиат, она тили, она тупроқ, дея унинг муқаддас ва



муҳтарамлигига алоҳида урғу берилмайдми. Не-не улуг авлиё-ю пирну қомиллар, аллома-ю донишмандлар ҳам аёл шаънига қиёс ахтариб ўтганлар. Зеро, унинг оила, жамият, келажак авлодлар учун қилаётган буюк хизматларининг баҳоси ҳеч нарсага тенг кела олмайди.

Ойгул опа бугун осойишта, бахтли-саodatли оиланинг суюкли бекаси, ўғли Хуршиддон, қизи Гулрухларнинг меҳрибон онасидек улуг мартабага эришган, 4 нафар набиранинг суюкли бувижонисидир.

– Турмуш ўртоғим стоматолог-врач бўлиб ишлаган. Ҳозирда нафақада. Иккимиз ҳам фарзандларимиз зиёли бўлишни хоҳлаган эдик. Ният ҳолис бўлса, албатта унга эришасиз экан. Бугун ўғлим Ички ишлар вазирлиги Жамоат транспорти хавфсизлиги департаменти ходими, қизим эса ўқитувчилик касбидеги фаолият юритмоқда. Нияти амалга ошган

ота-она учун уларнинг камолотини кўришдан ортиқ бахт йўқ экан дунёда.

Аёл – қайси бир соҳанинг эгаси бўлмасин, унинг оиладаги ташаббускорлиги, фидокорлиги биринчи ўринда бўлиши, фарзандлар тарбиясидек масъулиятли хизматини тўлиқ адо этиши керак. Шундагина аёл ҳам жамиятда, ҳам оилада ўз ўрни ва мавқеини ҳеч қачон йўқотмайди. Бугун устоз юқоридаги вазифаларни чин маънода удралашга эришяпти, десак муболага бўлмайди.

– Ўтган умримга ҳеч қачон ачинмайман, – дейди қаҳрамонимиз. – Чунки, неки хоҳлаган бўлсам, барчаси озма-кўпми эришяпман. Бир сўз билан айтганда, осойишта юртнинг имкониятлари кенг, истақлари амалга ошадиган бир фуқаросиман. Се-викли касбим, тўқис оилам, жонкуяр яқинларимнинг боллиғи энг катта ютуғимдир.

Умрни сарҳисоб қилиб, ҳеч йўқ бир бора ортга назар солинсагина, инсон ўзини ҳаётда ким эканлигини, оила, жамият, миллат равнақи учун муносиб хисса қўша олдим, йўқми, англаёт экан. Инсон умри уни қанча узоқ ҳаёт кечиргани билан эмас, балки бажарган яхши амаллари, эзгу фаилатлари билан ўлчанар экан. Инчунин, эзгу ишлар ортидан қилинган халқнинг дуоси эса ҳамisha ижобат бўлади, умрининг узайишига, аинқаса, ортингидан яхши ном қолишига замин бўлади. Интилиш, изланиш ва доимий ҳаракатда бўлиш инсонни юксакликка элитуверади. Ойгул опа Қўчқорова ана шу ҳақиқатни кундалик аъмолига айлантира олган, юксакликка интилган аёлдир.

Гулноза ЭРҒАШЕВА.



«Кусто ороли»да

Ўшанда ҳайратда қолдим. Аёл-эркак болалари билан бир чодирда яшаса, оилавий мажбуриятлар ҳам шу чодирда адо этилса, қаерда покландилар? Ярим тунда дарё ёқалаган бирон зотни кўрмадим. Демак... Э худойим, бу ерлардан тезроқ насбамни кўтаргин, дея илтижо қилганим ҳам бор гап. Лекин гидроплан қайтиб келгунича чидашга маҳкумман...

Ўрмон бошланадиган тепаликка чиқиб, пастдаги яйловга термулганча ястаниб ётдим. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Эҳ, агар уйимиз атрофида шунақа яйлов бўлганида, қўйларим нақ ёрилгудек семирарди-да, ўзиям!

Дарвоқе, уларга дурустқор қарашаптимикан? Ёки болага иш буюр, кетидан ўзинг югур, бўляптимикан?... Ҳар куни ишдан эртами, кечми келибқ кўйхонага кираман. Журналист одамлар билан гаплашавериб, руҳшунос бўлиб кетаркан. Қўй-қўйларга бир қарашда ахволони биладиган бўлиб қолганман. Айниқса, «қўчқор ака»га алоҳида эътибор бераман. У қўлимда туғилган. Эсимда, қаҳратон қиш совуғи эди. Ярим тунда совлиқ

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

бошқача маърай бошлади. Дарҳол қўйхонага чопдим. Шўрлик мени кутиб турган эканми, бола ташлади. Уч кун аввал она совлиқ куни яқинлашиб қолди, дея остига қалин қилиб шопилоя солгандим. Дарҳол дояликка тутиндим. Шифтга бир қулоч доқа қистириб қўйгандим, олдим, кўзичоқнинг қорин сувини арта бошладим. У эса кўзини очиб бу ёруғ дунёни, мени илк бор кўрди. Билмадим, мени она ўрнида ҳис қилдим, «ба-ба» дея овоз берди. Шу пайт она совлиқ унга қаради, лекин бурила олмасди. Чунки ҳали йўлдоши тушмаган, киндик томири кесилмаган эди. Изимдан хотиним ҳовлиқиб кирди.

– Хотин, қўчқор туғилди, – дедим қувониб. – Тез сут қайнатиб олиб чиқ!

Она совлиқ бежо ҳаракат қила бошлади. Чироқ ёруғида кўрдим, кўзлари ола-була, кинидан чиққазган. Билмадим, у қучаняпти, лекин йўлдоши юрмасди. Ҳозиргина туғилган, иссиққина кўзини қўйдиму, она совлиқнинг қорнини силай кетдим. У эса оғриқнинг зўридан беўхшов маърайди.

– Ҳозир, ҳозир, бир оз сабр қилгин! – Лекин она совлиқ ортиқ

Муҳаммаджон ОБИДОВ



(Саргузашт-воқеий қисса)

10 кун

оёғида туролмай ҳолсизгина ёнбошлади. Шу пайт хотиним бир қўлида оғзига сўргич тикилган шиша идишда қайнатилган сут, бир челақ илиқ сув олиб кирди.

– Вой шўрим, бояқиш ўлиб қолмасайди, – деди мени нари туртиб. – Сиз кўзичоққа қаранг.

Мен ҳали бирон марта бўлса-да, она сутни нималигини билмаган кўзичоқни бағримга босиб, оғзига сўргични тутдим. У исқаб-исқаб тилини чиқарди. Сутдан томиздим. Унга хуш келди шекилли, сўргични олди ва тортқилаганча эма кетди. Хайрият, дедим.

Хотин эса кўлини шимараганча, совлиқ йўлдошини тортиб чиқаришга тиришар эди.

Худога шукур. Она совлиқ бир ўлимдан қолган ўшанда. Аммо

хотиним унга бир неча кун атала пишириб ичирди. Билмадим, яна қандайдир дори-дармон ҳам берди шекилли, ўн кун деганда оёққа турди.

Кўзичоқ эса... Уни ўша, туғилган кунинёқ уйга олиб кирдик. Печка ёнига яшиқ қўйиб, ичига шопилоя тўшаб, ўн кунгача беш-олти мартадан сут бериб боқдик. Шунданми, у менга, мен унга жуда «яқин» бўлиб қолганмиз. «Қўчқор ака», қалайсиз, деб қўйхонага кираман. У эса саломлашган бўлиб, олди оёқларини охурга қўйиб маърайди, эркаланади...

Ширин ҳаёл билан бўлиб кўзим илинибди. Қаттиқ силтовдан кўзимни очдим. Не кўз билан кўрайки, бир гала маймунлар менинг қўл-оёғимдан тортқилаб,

ўрмон томонга судраяпти! Ҳарчанд уринмай, уларнинг маҳкам сиртмоғидан кутулолмадим.

– Вой дод! – Хусан! Хусан! – қичқирдим мен. – Қаердасан, Хусан! Овозим акс садо бериши, уни қабиладагилар эшитишини истардим. Шунинг учун қақирдан тинмадим. Маймунлар не ўйга борди, билмадим, мени ерга қўйиб, атрофимда чуғурлаша кетди. Биттаси бурни бурнимга теккудек яқин келиб тикилди, хидлади, «Бу нимага керак?!» дегандек қўйлагимдан тортиб кўрди. Хунук башараси, пучуқ бурни, майда кўзлари, қулоғига етгудек оғиз, лаблари ва жуда бадбўй хиддан зўрға ўзимни туттиб турардим.

Маймунлар-ку одамхўр эмас, лекин мени нима қилишар экан? Назаримда, қаршимдаги галабош шеклиди, бошини гоҳ чап, гоҳ ўннга кескин бурар, қўйлагим, шимимдан тортқилашни қўймасди.

Оролдаги қабила одамлари қарийб яланғоч. Маймунлар уларни кўрган холос. Муқаррар, шундай! Мен эса кийимдаман. Бундай ҳолни қаршимдаги «босқинчи»лар илк бор учратяпти. Мен ҳам қабиладагилар каби инсон эканим, найза отиб, ов қилишим мумкинлигини билишмаяпти чоғи. Хусан маймунлар қабиладаги бир болақайни олиб қочганида қувиб бориб, уч-тўрт маймунни найза билан майиб қилганини тушунтиргандай бўлганми. Шу-шу маймунлар одамларга ҳужум қилмаслигини айтганми.

Вазият ниҳоятда чигал: ё чикки, ё пукки. Ё илож топиб қутуламан, ёки қалин ўрмоннинг мен қайтиб келолмайдиган ичкарига олиб кетишади. Билмадим, қаердан куч келди, даст ўрнимдан туриб, бир қўлимни гўё найза тутгандек юқори кўтариб кўзларим қнидан чиққудек зўриқиб билан бақирдим. Қаршиларидан қабиладагидек одамми ё бошқача махлук – тушуна

олмай ҳаммаси менга термулганча бир лаҳза жим қолдилар. Кейин... кейин мени масҳара қилиб қулганларича, яна қўлма-қўл олиб қочдилар.

Эй худо, ўзингга шукур! Оҳим етганига шукур! Маймунлар шовқини ёки менинг бақирим овозимни эшитишганими, шу атрофда ов қилаётган қабила аъзоларидан бир нечаси пайдо бўлди. Икки ёнимдан найзалар учиб ўтганини кўрдим. Маймунлар мени ташлаб юборишди ва дуч келган дарахтга тирмашиб шохдан шохга сакраб қочдилар. Найзаларнинг бири бояғи, тумшугимга келиб мени мазах қилган маймунлар теккан экан. У икки-уч бор оҳ тортди-ю, жон берди.

Қабила овчилари кела солиб мени тургаздилар, ҳамма томондан кўздан кечиришди. Сўнг бараварига гапирганча йўл бошладилар. Кўп эмас, ярим чақиримчадан сўнг яйловга чиқдик. Яланғоч болақайлар майдонни тўлдириб ўйнаб юрардилар. Мен бўлган воқеани сардор билиб қолишдан чўчидим. Чунки у ёлғиз юрмаслигини айтганми. Шунинг учун овчиларга бошимни эгиб таъзим қилдим. Қўрқувдан ўрганган сўзларим ҳам тилимга келмасди.

– Бу ёлғиз ўзим, ўзим, – дердим уларни ўрмонга, овга қайтаверинглар, дегандек ортни кўрсатиб.

– Раҳмат, кам-бу-те. Мен қабила болади, Ҳа, сико тахтау! Улар мени тушундими, йўқми, балки ов муҳимдир, ортга қайтиб, ўрмонга кириб кетишди.

Агар Хусан ўзи сўрамаса, бўлган воқеа ҳақида унга айтмасликка қарор қилдим ва чодирга бориб, кўрқувдан титроқ кўзларим билан бўлган воқеани ён дафтарибга ёза бошладим...

(Давоми келгуси сонларда).

ЯШНАРБЕКНИНГ «АКВАРИУМИ»ДА МАНЗАРАЛИ БАЛИҚЛАР КЎПАЙТИРИЛАДИ

Шаффоф аквариумда ўйноқлаб сузиб юрган турфа рангдаги балиқларни кўрганда, кўз қувнайди. Айтишларича, японлар телевизори устида мўъжазгина аквариумда балиқ боқишар экан. Орол давлати бўлган Японияда, табиийки, зилзила кўп рўй беради. Ер силқиниши олдидан эса балиқлар безовталана бошлар ва хавфдан уй эгасини оғоҳ этаркан. Данғаралик талаба Яшнарбек Нўмонов эса бир-бирдан гўзал балиқларни аквариумда эмас, сунъий ҳовузда парваришлямоқда.



Данғара туманининг «Боғиш» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Яшнарбек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида ўқиб юрган даврда аквариум балиқларини боқишни ҳавас қилганди. Интернет орқали аквариум балиқларини парваришляш ҳақида ўқиб, қизиқишни янада ортиди. Шу-шу кишлоқда бўлганида ҳам, пойтахтда ўқиб юрганида ҳам аквариум балиқларини кузатди, ўрганди. Сўнгра сунъий ҳовузда манзарали балиқлар боқиш фикрига келди. 2021 йилда яшаш хонадони томорқасида, 3 сотих ерда 6 та сунъий ҳовуз яратди. 20 метр ер остидан сув чиқарди. Ҳовузда балиқларнинг «япон коиси», «қизил шапкача», «комета» турларини боқишга киришди. Орадан вақт ўтиб, балиқлар тури кўпайгандан кўпайди. Яқинда эса Индонезия давлатидан «панда-арранда» турини олиб келди.

– Бу жуда қизиқарли юмуш, завқингизни келтиради, – дейди Яшнарбек. – Уларга ўз вақтида

озуқасини берамиз, сувини янгилаймиз, зарурат туғилганда, дорисини солаемиз. Балиқлар баҳор, ёз ва куз фаслларида кўпайди. Бу ишда менга онам ва турмуш ўртоғим ёрдам беришади.

Яшнарбекнинг айтишича, балиқлари совуққа анча чидамли. Аввалги йили қаҳратон совуқда ҳовуз юзасини 20 сантиметргача муз қоплади. Кунлар илигач, балиқлар яна кўринди.

Шу кунларда бу гўзал балиқларга харидорлар кўпайган. Яшнарбек республика-миз «Зоомагазин» ларига, шунингдек, Қирғизистон ва Қозғистон Республикалари бозорларига ҳам манзарали балиқларни етказиб бермоқда.

Меҳнаткаш йиғит келгусида ҳуқуқ тизимида фаолият юртиши мақсад қилган бўлса-да,

севимли хунарини кенгайтириш нияти ҳам йўқ эмас. Туман ҳокимлиги томонидан унга маҳалладаги фойдаланилмай ётган 60 сотих ер майдони ажратиб берилди. Ҳозирда бу ерда бирин-кетин ҳовузлар қавланмоқда. Яқин кунларда бу «аквариумлар»га ҳам сув тўлдирилиб, минглаб балиқлар боқиладди.

– «Боғиш»да 3443 нафар аҳоли яшайди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бехзодбек Эшматов. – Асосий даромадимиз деҳқончилик, чорвачилиқдан. Бу ерда бирорта бўш инсонни топмайсиз. Ёшу қари ўзини ўзи иш билан банд қилган. Яшнарбекнинг янги ҳовузлири ишга тушса, ўнлаб ёшлар иш билан банд бўлади.

Маҳиёра БОЙБОВОЕВА.

ҚУЛУПНАЙЧИЛИКДАН ДАРОМАД ТОПИШМОҚДА

Учқўприк туманининг «Ҳасанқора» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида деярли йил давомида қулупнай етиштирилади. Зеро, аҳолининг асосий даромади қулупнайчиликдан.

Ана шундай миришкорлардан бири Фазуллох Ҳайдаров қулупнайчиликни мўмай даромад манбаига айлантирди.

– Қулупнай етиштириш учун астойдил меҳнат қилишнинг ўзи етмайди. Бунга билим ҳам керак, – дейди томорқачи. – Сохага оид китобларни varaқлағач, интенсив усулда қулупнай етиштиришни бошладим. Натигада ҳам вақт, ҳам сарфланадиган маблағ тежаланди.

4 сотих ерда қад ростлаган иссиқхонада кишда ҳам баҳор тафти ҳукмрон бўлади. Тежамкор технологиялар асосида

томчилиб сугориш йўлга қўйилган.

Фазуллохнинг айтишича, йилда қулупнайнинг 3-5 хил намини синовдан ўтказишади. Бу йил Корейнинг «сольхян» нави етиштирилди. Мавсум давомида ҳар тупидан ўртача 200-300 грамм ҳосил олинади. Ҳозирда 7 минг туп қўчат мевага кирган. Кеч қузга бориб, килограмми 200 минг сўмдан сотилади. Баҳорнинг сўнгги кунигача харидорларнинг кети узилмайди.

Томорқачи оила ўтган йилдан бошлаб, қулупнай қўчатлари савдосини ҳам йўлга қўйди.



Даромадлари ортидан автомашинали бўлишди. Энг муҳими, хонадондан файзу барака ари-майди, дастурхонлари ҳамиша тўкин.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди



Тошлоқ тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ташаббуси билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда жойларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилмоқда. Навбатдаги тиббий кўрикда тумандаги эшитиш

ва гапириш қобилияти текланган 136 нафар шахслар малакали шифокорлар текширидан ўтди. Жараёнда тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ташхис бўйича дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Камола РАУПОВА, туман «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази психологи.

Ижтимоий нафақа: ЯНГИ ТАРТИБДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларнинг аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашнинг янги тартиби жорий этилди.

Фуқаролар учун қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида 2024 йилнинг 1 апрелдан бошлаб my.gov.uz портали орқали кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза бериш имконияти яратилди. Ушбу қўлайликдан кам таъминланган, жумладан, оиласида 18 ёшгача фарзанди бор ижтимоий нафақа олиш истагида бўлган фуқаролар фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун талабгорлар my.gov.uz да рўйхатдан ўтиши, тегишли хизматни танлаши, ундаги сўровномани тўлдирishi ва юборishi керак.

Ариза «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими томонидан ўрнатилади. Бунда ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори аниқланади ва белгиланган меzonларга мослиги солиштирилади. Шундан сўнг ижтимоий нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ариза жавоби my.gov.uz орқали юборилади. Хизматдан фойдаланиш мутлақо бепул.

Шу билан бирга, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби ҳам сақлаб қолинган бўлиб, талабгор маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори номига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ҳар иккала усулда топширилган аризалар бир муддатда ва бир мезон асосида кўриб чиқилади.

Илёсбек ЭСОНОВ, Бағдод тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси.

<p>МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati</p>	<p>2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2350 нусхада chop этилди. Буюртма: 317.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.</p>
<p>Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ</p>	<p>Газета жума кунни чиқари.</p>	<p>★ Баҳоси келишилган нарҳда. ★ Навбатчи муҳаррир: Феруза Мирзажонова.</p>	<p>Саҳифаловчи: Дostonбек Холматов. Босингга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.</p>